



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam anter gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Маҳкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева – СамИСИ доценти, PhD

МУҲИМ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти ҳамда уни жадал ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича бандлигининг таркибий тузилишлари бўйича таҳлил келтирилган. Айрим маълумотлар Ўзбекистон ва Самарқанд вилоятлари билан ҳам қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, постиндустриал жамият, иқтисодий тизим, моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, пулли хизматлар, пулсиз хизматлар, рақобат, рақамли иқтисодиёт, инновация, модернизация, аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, пандемия, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари.

Кириш. Турмуш фаровонлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида барча уринишлар пировард натижада шу бош муаммони ечишга қаратилган. Шу сабабли ижтимоий фаровонлик ва турмуш даражасига оид масалалар қадим замонлардан бери кўплаб иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ижтимоий фаровонлик ва аҳоли турмуш даражаси назариясини шакллантиришда А.Смит, В.М.Жеребин, А.Н.Романов, Н.А.Горелов¹ каби таниқли иқтисодчилар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар. Уларнинг ижтимоий фаровонлик ва унга эришиш борасидаги назарий ёндашувлари ва назарий қарашларисиз аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси тўғрисида замонавий илмий қарашлар тизимини яратиш қийин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услубларидан ва ёндошувларидан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ушбу соҳадаги назарий изланишларимиз натижасида аҳоли турмуш даражасини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиёти ҳозирги босқичнинг учта муҳим хусусиятларини, яъни: Биринчидан – глобаллашув жараёнларининг жадаллашиб бораётганлиги. Миллий иқтисодиётлар интеграциясининг тобора кучайиши, жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар ҳамда меҳнат бозорларининг ташкил топиши ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ва сифатини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда. Иккинчидан – экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги. Бунинг оқибатида иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда миллий ва халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатлари тенглигини таъминлайдиган барқарор ривожланиш концепциясига риоя қилиш зарурати кучаймоқда. Учинчидан – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлиги, тақсимотда социал адолат тамойилларининг кучайиб бораётганлиги, айнан оқилона ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг бош омилига айланаётганлигини эътиборга олиш лозим. Бу давлатнинг аҳолини эҳтиёжманд қатламлари ва ижтимоий заиф гуруҳларини (ногиронлар, ёшлар, аёллар) қўллаб-қувватлаш ва бозор стихиясидан ижтимоий ҳимоялашни тақозо этади. Ўз навбатида, аҳоли кенг қатламлари турмуш даражасининг юксалиши унинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтиради, ишлаб чиқаришда инсон омилининг роли ва аҳамияти тобора кучайиб боради, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларига қатнашиш фаоллигини оширади.

Энг муҳими хизматларга бўлган эҳтиёж моддий хизматларга бўлган эҳтиёжлардан

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер.с.англ. Е.М.Майбурда. - М., 1993. - С.572.; Жеребин В.М., Романов А.Н.Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.- С 224.; Горелов Н.А.и др. Политика доходов и качество жизни населения: Учеб. пособие. - СПб.: Питер, 2003.- С 653.

ўз моҳияти ва инсоннинг инсон сифатидаги тараққиётидаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини модернизациялаш ва янгидан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш асосида хизматлар сифатини ошириш, ушбу соҳани диверсификациялаш асосида хизматлар ассортиментини кенгайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Америкалик олим А.Маслоу пирамидасида физиологик (моддий) эҳтиёжларга муҳимлиги нуқтаи назаридан биринчи ўрин берилган¹. Шубҳасиз, бундай эҳтиёжлар ижтимоий тизим шакли ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидан қатъи назар, ҳар қандай жамият учун хос ва биринчи даражада қондирилиши лозим. Инсонлар, онгли ҳаракатланувчи тирик мавжудот сифатида, авваламбор бирламчи эҳтиёжларини яъни, озиқ-овқат истеъмол қилишлари, кийинишлари, бошпанага эга бўлишлари шарт. Шундан кейингина улар таълим, маданият, санъат, саёҳат ва ҳоказолар билан шуғулланишлари мумкин бўлади. Ушбу пирамидада турли хил ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ошиб борган сайин, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжи моддий неъматларга бўлган эҳтиёжга нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланади. Хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг даромадлари шаклланиши меҳнатнинг мазмуни ва характери билан боғлиқ. Хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг тобора ошиб бориши ва такомиллашуви аҳоли бандлигидаги таркибий ўзгаришларда, аниқроғи, унинг бандлигида хизматлар улушининг доимий тарзда ошиб боришида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий фаол аҳоли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи кучи талабини қондирувчи аҳолининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатига иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида замин яратади. 2021 йилда иқтисодий фаол аҳоли 1585,4 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 0,9 фоизга ўсган.

2018 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 50,6 фоизи, яъни 740,5 минг киши ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 49,4 фоизи, яъни 722,9 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. 2021 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 51,2 фоизи, яъни 722 минг киши ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 48,8 фоизи, яъни 688,9 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. Вилоят иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сони улушининг қисқариши пандемия сабабли дейишимиз мумкин ҳолос. Аҳоли бандлиги таркибида бундай ўзгаришларни табиий ҳолат дейишимиз мумкин. Чунки у мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини ошириш йўлида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг моҳиятига мос келмади.

Самарқанд вилоятида аҳолининг соҳа ва тармоқлар бўйича бандлигини ошириш имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мақсадида уни республика кўрсаткичлари билан таққослашни лозим топдик. Таққослаш натижасида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашда республикага нисбатан пастроқ даражаларга эришилганлигини кўрсатди.

Шу билан бир қаторда вилоятда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан 0,9 пунктга юқори. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, унда меҳнат унумдорлиги ошиб борган сайин, ушбу тармоқда банд аҳоли сони бундан кейин ҳам қисқариб бораверади. Агар Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улушини (27,8 фоиз) республика бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етказсак (26,9 фоиз), ушбу тармоқларда 3,5 минг киши ишдан бўшаши мумкин бўлади. Ишдан бўшаганлар эса хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишга жойлашишади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол

¹ http://www.ctntrforum.ru/Macro/Stat2_5.htm

аҳолини иш билан таъминлаш барча мамлакатлар учун энг долзарб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларига жуда бой ва улкан меҳнат салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат қилиш истаги бор ҳар бир индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишига имконият туғдириб бериш анча ўткир муаммога айланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ташаббуси асосида фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинади ва қонуний равишда меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига ҳамда унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келади. Умуман ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва интенсив асосда ривожланишга мослашган ҳозирги замон ишлаб чиқариши меҳнат унумдорлигининг узлуксиз тарзда ошиб боришисиз амалга ошиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, бандлик муаммолари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда (айниқса қишлоқ хўжалигида) керагидан ортиқча банд бўлган, лекин бозор муносабатлари мустақамланиб борган сайин, аста-секин ишдан бўшаётган ишчи-ходимлар ҳисобидан ҳам анча кескинлашди. Режали иқтисодиёт шароитида ишсизлик муаммоси, унумсиз, яхши самара бермайдиган иш ўринларини асоссиз равишда қўпайтириш, ишчи кучини қандай бўлмасин ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш йўли билан ҳал қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, юқорида қайд этганимиздек, барча ресурслардан, жумладан, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурияти кучаяди. Бундай шароитда олдинги даврларда асоссиз равишда, расман яратилган иш ўринларининг бекор қилиниши ва уларда “банд” бўлган ишчи-ходимларнинг қисқариши ва натижада уларнинг ишсиз қолиши муқаррар.

Юқоридагиларни умумлаштириб, Ўзбекистонда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи билан унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликнинг асосий сабабларини аниқладик. Бизнинг назаримизда булар: биринчидан – илмий-техника тараққиёти натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши; иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча яратилган иш ўринларининг барҳам топиши; учинчидан – мамлакатда юзага келган ва ҳозиргача маълум даражада сақланиб турган мураккаб демографик вазият.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал этишдаги улкан имкониятлари мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаш, истиқболларини аниқлаш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли пул даромадларини қўпайтириш муаммосини ечишда ҳам фаол иштирок этувчи соҳа ҳисобланади. Яқин йилларгача хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони ва уларнинг даромадлари моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан анча паст, деган нуқтаи назар ҳукмронлик қилган бўлса, кейинги йилларда, яъни ушбу соҳада банд бўлганлар сони ва даромадлари нисбатан тезроқ суръатлар билан ошиб борган вақтлардан бошлаб, ушбу қарашларда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги, аҳоли даромадлари ва унинг турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш соҳага бўлган эътиборни кучайтиради, унда юзага келган муаммоларнинг ечимини излаб топиш заруратини ва жараёнларини тезлаштиради.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмларига ва уларни ташкил этиш манбаларига аниқликлар киритилиши муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ва унда банд бўлганларнинг даромадлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган барча хўжалик субъектлари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг (жисмоний шахсларнинг) тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини;

- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ёлланма ишчиларнинг шахсий меҳнати натижалари ва қобилиятига мувофиқ олган иш ҳақи миқдорини;

- хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш ва тартибга солишда банд бўлган давлат

органлари ва тизилмалари ходимларининг иш ҳақларини;

- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган, лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ходимларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган моддий ёрдамни;

- хизматлардан фойдаланиш натижасида аҳоли даромадларининг тежалиши ва харажатларнинг камайишини (аҳоли харажатларининг камайиши шунча миқдорда унинг даромадларининг кўпайганлигини англатади).

Аҳолига истеъмол учун таклиф этилаётган хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан ошириш, уларнинг сифатини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда устувор вазифалар сифатида қаралаётган баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли турмуш тарзини такомиллаштириш, халқимизга фаровон яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишдек¹ долзарб вазифаларни бажаришда муҳим рол ўйнайди. Ҳар томонлама етук, маданиятли, маърифатли баркамол авлодни тарбиялаш ғояси аҳолининг моддий ва маънавий ноз-неъматларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан бир қаторда, унинг бўш вақтини кўпайтиришни ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарҳақиқат аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш, улар томонидан амалга ошириладиган аммо, самара келтирмайдиган вақт сарфларини бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан қамраб олган ҳолда хизмат кўрсатиш аҳамиятлидир. Аммо бундай вазифани ҳал этишда меҳнат билан банд аҳолининг иш ҳақини ошириш, меҳнат билан банд бўлмаганларга турли ижтимоий ресурслардан қилинадиган харажатлар миқдори ва уларни ўсиши билан боғлиқдир. Ҳозирги шароитда аҳолини иш билан банд бўлган катламини бўш вақтини аксарияти самарасизлигича қолмоқда.

Бизнинг фикримизга кўра, савдо, умумий овқатланиш, алоқа, маиший хизмат, транспорт каби тармоқлар аҳолининг истеъмол харажатларини камайтириш, уни уй меҳнатидан озод қилиш, беҳуда ҳаракатларга барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиб берса ва шу тариқа аҳоли бўш вақтини кўпайтиришни таъминласа, спорт ва туризм, санаторий ва дам олиш масканлари, театр ва санъат саройлари бўш вақтни фойдали, мароқли ўтказиш, инсонни соғломлаштириш ва маънавий дунёсини бойитиш, малака ва билимларини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Маълумки, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларни комил инсон бўлиб вояга етишлари, тўлақонли ва мукамал билим олишлари учун бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, истиқлолнинг сўнгги беш-олти йилида мамлакатимизда йилларни “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” деб эълон қилинганлиги ҳам ана шу эзгу ишларни юқори босқичга кўтарди.

Баркамол авлодни тарбиялаш² ва ишчи кучи сифатини ошириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги биринчи галда ишчи кучи сифати билан белгиланади. Ишчи кучи сифатини оширишда таълим хизматларининг роли ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Кейинги пайтларда инсон капитали, ишчи кучи сифати муаммоларига ва уларнинг самарали ечимларини излаб топишга (жумладан катта молиявий ресурсларни йўналтириш йўли билан) бутун дунё, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар, томонидан катта эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиётнинг 16 фоизи

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2017. – 156 б.

² Изоҳ: Шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи, интеллектуал салоҳиятли, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга қаратилган тарбиявий жараёнлар мажмуасидир. Баркамол авлодни тарбиялашдан мақсад – Давлат ва жамиятга хизмат қилувчи интеллектуал кадрларни вояга етказиш.

моддий-техник базага, 20 фоизи - ахборот ресурсларига, 64 фоизи- инсон омилига боғлиқ¹. Иқтисодий адабиётларда ҳам бу масалалар эътироф этилмоқда. Глобаллашув жараёнлари ва жаҳон бозоридаги ўта кескин рақобат барча компания ва фирмаларда ишчи кучи сифатини оширишни, персоналнинг юқори малакага эга бўлишини талаб этмоқда. Ҳозирги пайтда АҚШда юқори малакага эга ишчилар жами ишчиларнинг 45 фоизини, Германияда эса 55 фоизини ташкил этади². Шунга қарамасдан компаниялар ва фирмалар ишчи кучи сифатини оширишга ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга бўлган эътиборини сусайтирмайди.

Хулоса ва таклифлар. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари тизимининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш мақсадида амалга оширган назарий тадқиқотларимиз бу соҳада бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб олиш имкониятини берди:

- хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг айрим тармоқлари ва аҳоли турмуш даражаси ва сифати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очишга доир чуқур ва кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Ушбу вазифани бажариш хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг айрим тармоқларига макроиқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан аҳоли турмушини кўтариш имкониятларини сезиларли даражада оширади;

- хизмат кўрсатиш ва моддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида мутаносибликни таъминлаш. Ушбу вазифа бажарилиши жараёнида хизматларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ва аҳоли бандлигидаги улуши ривожланган мамлакатларга тобора яқинлашиб боради;

- кам таъминланган оилаларга хизматларни арзонлаштириш, бунда бозорни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш;

- бепул хизматлар сифати устидан қаттиқ назорат чора-тадбирларини такомиллаштириш йўллари белгилаш;

- аҳолини бўш вақтидан самарали фойдаланишга қаратилган хизмат турларини кўпайтириш ва ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларида (маиший хизмат, туризм ва спорт ва бошқалар) жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган жиҳозлар ҳанузгача сақланиб қолган ва бу хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги ва хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли соҳа тармоқларида модернизация ва техник янгилашни кучайтириш;

- аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун, аввало хизмат кўрсатилаётган ҳудуддаги аҳолининг молиявий-иқтисодий ҳолати, харид қилиш қуввати, сервис хизматларига бўлган талаби ва бир қатор бошқа омиллар ўрганилиши, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми ва турларини ҳам шунга асосланиб белгилаш;

- аҳолининг хизматларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда хизмат ҳажмини ва турларини белгилаш;

- аҳолининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, хизмат турларини ўзгартириш ва уларнинг эҳтиёжига қараб зарур хизматларни таклиф этиш;

- давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун баҳо белгилашда аҳолининг имкониятларини ҳисобга олиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, бу борада соҳа олдида турган муаммоларнинг ечимларини топиш учун амалий тадқиқотлар ўтказиб, амалиётда мавжуд ҳолатни баҳолаш, ундаги ютуқлар ҳамда камчиликларни аниқлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” -Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021, 464 б.
2. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон, 2017.-299 б.

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2017. -190-б.

² Кушнир И.В. Мировая экономика//<http://www.be5.Biz/ekonomika/mo13/tech.htm>

3. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010. -131 б.
4. Пардаев М.К. Урунбаева Ю.П ва бошқалар Covid-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари. Могография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022, -516 б.
5. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

Ю.Урунбаева	Yu.Urunbaeva
Роль сферы услуг в решении важных стратегических задач	The Role of the Services Sector in Addressing Important Strategic Challenges
<p>Аннотация: в статье представлен анализ сущности сферы услуг и социально-экономического значения ее опережающего развития, структурный состав занятости населения в сфере услуг. Некоторые данные сравнивались с областями Узбекистана и Самарканда.</p> <p>Ключевые слова: национальная экономика, постиндустриальное общество, экономическая система, материальное производство, услуга, платные услуги, безвозмездные услуги, конкуренция, цифровая экономика, инновации, модернизация, уровень жизни населения, качество жизни, пандемия, спрос, потребление, сбережения населения, заработная плата, доходы населения.</p>	<p>Abstract: the article presents an analysis of the essence of the service sector and the socio-economic importance of its rapid development, the structural composition of the population's employment in the service sector. Some data were compared with the regions of Uzbekistan and Samarkand.</p> <p>Keywords: national economy, post-industrial society, economic system, material production, service, paid services, non-paid services, competition, digital economy, innovation, modernization, standard of living of the population, quality of life, pandemic, demand, consumption, population savings, wages, incomes of the population.</p>

Фарход Анварович Сафаров – СамИСИ доценти в.б., PhD

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Унда мамлакатимиз корхоналарида инновацияларнинг жорий этилиши ҳолати уларнинг турлари кесимида кўриб чиқилган. Шунингдек, хизматлар соҳасига хос бўлган инновациялар келтириб ўтилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли хулоса ва таклифлар берилган.</p> <p>Калит сўзлар: инновациялар, хизмат, маҳсулотли инновациялар, жараёнли инновациялар, ИТТКИ, ахборот технологиялари.</p>

Кириш. Бугунги кунда ҳар қандай иқтисодийнинг ривожланиши янги истеъмол қийматини яратиш, молиявий натижаларни яхшилаш ва самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида янгиликлардан фаол фойдаланишга асосланади. Шу билан бир қаторда, инновациялар ҳаёт сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш орқали жамият фаровонлигига ўз хиссасини қўшади. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари, рентабелликнинг пасайиши, бюджет тақчиллигининг ортиши ва даромадларнинг камайиши билан ажралиб турадиган ўтган асрнинг 80-йилларининг бошидаёқ дунёнинг кўплаб иқтисодийлари аста-секинлик билан курила бошлаган. Бунда интернет инновацияларга асосланган шаклланаётган янги иқтисодийларни ривожлантириш учун инфратузилма бўлиб хизмат қилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. "Инновация" тушунчасини таърифлаш бўйича турли тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарларини гуруҳлаш натижалари шуни кўрсатадики, мазкур тушунча учта ёндашув гуруҳига ажратилган ҳолда ўрганилади. Биринчи ёндашувга кўра, инновация эскиларини алмаштириш учун янги маҳсулотлар, элементлар, ёндашувлар, тамойилларни жорий этиш жараёни сифатида қабул қилинади¹²³. Иккинчи

¹ Санто Б. Инновации как средство экономического развития/Б. Санто. — М.: Прогресс, 1990. — 296 с.

² Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями/Б. Твисс. — М.: Экономика, 1989. — 271 с.

³ Никсон Ф. Роль руководства предприятия в обеспечении качества и надежности стандартов / Ф. Никсон. — М.: Изд-во стандартов, 1990. — 317 с.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023